

«Истеъмолчи»нинг табиий газ учун муддати ўтиб кетган қарздорлиги мавжуд бўлгандан унинг томонидан аванс тўлови сифатида ўтказилган маблағлар муддати ўтиб кетган қарзни қоплашга йўналтирилади, ҳамда аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

3.6. «Истеъмолчи» ёки «Таъминотчи» нинг тўлов реквизитлари ўзгарганида улар бир-бирларига дарҳол хабар беришлари керак.

3.7. Саноат ва коммунал-маишӣ корхоналар (бюджет ташкилотларидан ташқари) олинган газ микдори тўғрисидаги маълумотларни жорий йилнинг 28 кунидан 30-31 кунигача, газ босими ва ҳарорати бўйича тузатиш киритувчи (блок коррекции)си мавжуд бўлган электрон газ ҳисоблагичга эга корхоналар эса кейинги ойнинг беш кун мобайнида белгиланган тартибда расмийлаштирилган газни қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида таъминотчига тақдим этади. Ҳисоб – китоб ойнинг 10 кунигача тўлиқ амалга оширилади.

Агар узил-кесил ҳисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда газ билан таъминловчи ташкилот ва ҳудудий газ билан таъминловчи корхоналар газни қабул қилиш – топшириш далолатномалари асосида, хизмат кўрсатувчи банклар орқали, ўтказилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган ҳолда, ҳисоб китоб ойида амалда етказиб берилган газ қиймати суммасига тўлов талабномалари берилади.

“Таминоччи” томонидан етказиб берилган табиий газнинг аниқланган микдорига норози бўлган “Истеъмолчи” 10 кун ичida “Таминоччи” ўз норозилиги ҳақида мурожаат қиласди. 10 кун муддат ўтганидан сўнг, «Истеъмолчи» томонидан қилинган эътиrozлар қабул қилинмайди.

#### 4. ТАБИИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун хужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. «Истеъмолчи» жорий йилнинг 15 июл кунидан кечиктирмай келгуси йилда истеъмол қилинадиган газ учун «Таъминотчи» га ўрнатилган тартибда буюртма бериши шарт. Буюртмада табиий газ истеъмолининг чораклар бўйича микдори акс эттирилиши керак. Зарур ҳолатларда буюртмадаги газ ҳажмига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш мумкин ва уларни жорий йилнинг 1 сентябр кунигача тақдим қилиш керак.

4.3. Табиий газ етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

4.4. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги табиий газни етказиб бериш микдори ва санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»ни буюртманомада кўрсатилган ой (чорак) бошланишидан камида 10(ўн) кун олдин хабардор қиласди.

4.5. “Таъминотчи” Табиий газ қабул қилиш ва бериш тартибининг ўзгарганлиги (магистрал газ қувурлари, газ тармоқлари, газ кириш қисмининг авария чегаралаш тутунларида содир қўшимчалар ва бошқа ҳолатлар) тўғрисидаги маълумотлар тутрисида “Истеъмолчи”ни бўлган носозликлар ва бошқа ҳолатлар) тўғрисидаги маълумотлар тутрисида “Истеъмолчи”ни диспетчерлик алоқа каналлари орқали хабардор қилишлари шарт.

«Истеъмолчи» газ хўжалиги тезкор бошқармасининг

телефонлари:

«Таъминотчи»нинг манзили: \_\_\_\_\_ тел: \_\_\_\_\_

4.6. «Таъминотчи» газ бериш қисқартирилганлиги тўғрисидаги хабарни «Истеъмолчи»га газ қисқартирилишига қадар камида 6 соат олдин етказиши керак. Магистрал газ қувурларида содир бўлган авария ҳолатлари бундан мустасно.

4.7. Қиши мавсумида, ҳамда магистрал газ қувурлари ишининг технологик тартиби бузилганида «Таъминотчи» газ беришни чегаралайди «Истеъмолчи» қўшимча заҳира-ёқилғи турига ўтказиш жадвалларини ишга туширади. (26.05.2005й. 132сон Карор)

#### 5. ТАБИИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТЎХТАТИШ